

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Республика болалар ортопедия маркази
директори

А.Б. Тилияков

«07» сентябрь 2022 йил



1-бўлим: Умумий маълумотлар
2-бўлим: Ахборот бериш ва қабул қилиш
3-бўлим: Ташкилотнинг ишчи ташкилотлари
4-бўлим: Марказ хизмати
5-бўлим: Шахслар маълумоти
6-бўлим: Шахслар маълумоти
№ 1-қанат: Архив/Хабарат қанат
№ 2-қанат: Ташкилотнинг ишчи ташкилотлари
№ 3-қанат: 7 тунда маълумот ва маълумотлар
№ 4-қанат: Марказ буюм ва тақдирлар

**Марказида даволанаётган бемор болаларга иссик овкат тайёрлаб
бериш хизмати бўйича
ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ**

Тошкент – 2022

МУНДАРИЖА:

- 1 боб. Умумий маълумотлар
- 2 боб. Асосий тушунча ва атамалар
- 3 боб. Танловда қатнашиш учун таклифларни расмийлаштириш бўйича талаблар
- 4 боб. Нархлар қисми
- 5 боб. Шартнома шакли
- 6 боб. Шакллар намуналари
- № 1-шакл. Ариза/Кафолат хати
- № 2-шакл. Танлов қатнашчиси тўғрисида умумий маълумотлар
- № 3-шакл. 7 кунлик меню ва калькуляция
- № 4-шакл. Нархлар бўйича таклифлар

1-боб. УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

1.1. Танловнинг тадбиқ этилиш доираси

Ушбу танлов ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни асосида ишлаб чиқилган ҳамда Республика болалар таянч ҳаракат тизими касалликлари реабилитация марказида даволанаётган бемор болаларга иссиқ овкат тайёрлаб бериш хизматини бўйича хизмат кўрсатиш учун ижрочиларни танлаб олиш бўйича Танловни ўтказиш ва унда ижрочиларнинг қатнашиш тартибини белгилайди.

Буюртмачи: Республика болалар ортопедия маркази (келгусида матн бўйича “Буюртмачи”).

Манзил: Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Олийго 8 уй Телефон: (71) 260 49 60
факс: (71)2604271

E-mail: -

1.2. Танловнинг номланиши: Марказида даволанаётган бемор болаларга иссиқ овкат тайёрлаб бериш аутсорсинг хизмати

1.3. Тўлов валютаси: Ўзбекистон Республикаси миллий валютаси – сўм.

Тўлов шартлари: Хизмат кўрсатиш бўйича ўтказилган танлов ғолиби билан тузилган шартнома баҳосининг Ижрочи билан шартнома имзолангандан сўнг шартномада белгиланган сумманинг 30% миқдори хар ойнинг 10- санасига ;

сумманинг қолган 70% қисми эса Буюртмачи ва Ижрочи томонидан хизмат бўйича бажарилган ишлар учун тузилган ҳисоб-фактуралар ва бажарилган ишларни топшириш-қабул қилиш далолатномаси имзолангандан сўнг 5 банк куни мобайнида.

1.4. Хизмат кўрсатиш шартлари: хизмат кўрсатиш учун зарур барча жихозлар, буюмлар ва бошқа товар-моддий бойликларини Буюртмачи ҳудудига етказиш, ташиб келтириш билан боғлиқ тадбирлар Ижрочи ҳисобидан амалга оширилади.

1.5. Танловда қатнашиш учун таклифлар бериш тили: танлов Қатнашчиси томонидан ишлаб чиқилган ва Буюртмачи манзилига тақдим этилган танлов таклифлари ва ушбу таклифлар билан боғлиқ бошқа барча ҳужжатлар давлат тилида ёки истисно тариқасида рус тилида ёзилган бўлиши лозим.

1.6. Танловда иштирок этиш учун таклифларни қабул қилиш муддати: Танловда иштирок этиш учун таклифларни қабул қилиш танлов тўғрисида берилган эълон давлат харидлари порталида курсатилган муддатда тўхтатилади.

1.7. Хизмат бўйича ишларни бажариш муддати: Ижрочи ҳисоб рақамига Буюртмачи ва Ижрочи ўртасида имзоланган шартнома имзоланган санадан бошлаб 2022 йил 31 декабригача бўлган мобайнида.

1.8. Молиялаштириш манбаси: бюджет маблағлари

1.10. Қўшимча маълумотлар.

Кўрсатилаган хизмат, шу жумладан ушбу хизмат бўйича ишлаб чиқилган барча ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикасининг шу каби хизматлар учун белгиланган қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқ бўлиши зарур.

2-боб. АСОСИЙ ТУШУНЧА ВА АТАМАЛАР

Танлов –хизмат тури бўлиб (Марказида даволанаётган бемор болаларга иссиқ овкат тайёрлаб бериш хизмати), бунда ушбу хизматни кўрсатиш бўйича энг яхши таклиф билдирган иштирокчи ғолиб ҳисобланади.

Танловни ўтказиш ҳақидаги маълумот давлат буюртмачиси томонидан Танловни ўтказиш ҳақидаги эълон ва танлов ҳужжатларини махсус ахборот порталида жойлаштириш орқали чегараланмаган миқдордаги кишиларга етказилади.

Давлат буюртмачиси – давлат харидларини амалга оширувчи юридик шахс.

Давлат хариди – давлат буюртмачилари томонидан товарларни (ишлар, хизматларни) тўлов орқали харид қилиш;

Давлат харидлари субъектлари – давлат буюртмачиси, харид тадбирлари иштирокчиси, давлат харидларини етказиб берувчи, харид комиссияси, махсус ахборот

портали оператори ва эксперт;

Харид комиссияси – конкурсни ўтказиш учун Буюртмачининг ходимларидан таркиби беш кишидан кам бўлмаган комиссия тузилади. Эълон қилинган хизматни кўрсатиш бўйича энг яхши таклифлар комиссия томонидан иштирокчиларнинг таклифларини баҳолаш меъзонлари асосида аниқланади ва электронг имзо асосида шакиллантирилади.

Давлат харидлари тўғрисидаги шартнома – аутсорсинг хизмат кўрсатишнинг тартиби, аутсорсинг хизмат кўрсатиш бўйича томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ўзгариши ёки тугатилиши ҳақида Давлат буюртмачиси ва Ижрочи ўртасидаги келишув тўғрисидаги ҳужжат.

Махсус ахборот портали – эълонларни электрон шаклда жойлаштириш ва кўриб чиқиш имконини яратувчи техник хизмат кўрсатишни таъминловчи операторнинг веб-сайти ва махсус электрон платформаси. Комиссия иши натижаларига кўра Буюртмачи томонидан комиссия мажлиси электрон баённомаси тузилади, баённомада ўтказилган танлов ва танлов ғолиби ҳақида маълумотлар келтирилади.

Махсус ахборот портали оператори томонидан танлов ҳақидаги эълон порталда жойлаштирилган кундан бошлаб 5-7 кун муддатда ушбу эълон бўйича ишлар тўхтатилади.

Махсус ахборот портали оператори – харидларни ташкиллаштириш ва ўтказиш билан боғлиқ тадбирлар ва уларнинг яқунлари ҳақидаги маълумотларни махсус ахборот порталида эълонлар, талабномалар ва бошқа ҳужжатларни жойлаштириш орқали давлат харидлари субъектларига хизмат кўрсатувчи махсус ваколатли юридик шахс;

Харид тадбирлари – давлат харидлари бўйича ишлар (харакатлар) мажмуи;

Эълон – режалаштирилган давлат харидлари тўғрисидаги харидларни амалга ошириш усуллари, харидлар шартлари, харидларга қўйилган талаблар, ушбу харидлар бўйича таклифларни тақдим этиш тартиби ва муддатлари ва бошқа маълумотларни махсус ахборот порталида жойлаштириш.

3-БОБ. ТАНЛОВДА ҚАТНАШИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ТАЛАБЛАР

3.1. Танлов иштирокчилари томонидан берилган таклифлар Буюртмачи комиссияси томонидан танлов Иштирокчиси томонидан тўлдирилган Ариза/Кафолат хатининг (1-шакл) асл нусхаси электрон шаклда ва муҳрланган пакетда қабул қилинади.

3.2. Иштирокчи Танловда қатнашиш учун аризада:

қайта ташкиллаштириш, ёпилиш ёки банкрот ҳолатида эмаслиги;

эълон қилинган хизматни кўрсатиш учун зарур техник, молиявий, моддий, ходимлар ва бошқа ресурсларга эгаллиги;

солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлиги йўқлиги;

аввал имзоланган шартномаларда келтирилган мажбуриятларни бажариш бўйича салбий кўрсаткичлари йўқлиги;

Буюртмачи билан суд жараёнида низо ҳолатида эмаслиги ҳақидаги маълумотлар акс эттирилган бўлиши зарур.

3.3. Танловда иштирок этиш учун Иштирокчи Буюртмачига танлов бўйича таклифлар (муҳрланган пакетда) билан бирга қўйидаги ҳужжатларни тақдим этиши зарур:

тегишли рўйхатга олувчи органлар томонидан берилган Иштирокчини юридик шахс сифатида рўйхатга олиш гувоҳномаси нусхаси;

танлов Иштирокчиси тўғрисида, у томонидан кўрсатиладиган хизматларни акс эттирган ҳолда, умумий маълумотлар (2-шакл);

харид қилинаётган хизмат бўйича 7 кунлик меню ва калькуляция (3-шакл);

кўрсатилган хизмат учун нархлар бўйича таклифлар (4-шакл).

3.4. Танловда иштирок этиш учун тақдим этилаётган барча ҳужжатлар давлат ёки рус тилларида ёзилган, танлов Иштирокчисининг ишончли вакили томонидан имзоланган ва танлов Иштирокчиси муҳри билан муҳрланган бўлиши лозим.

3.5. Эълонда Танловни ўтказиш вақти деб белгиланган вақтда танлов Иштирокчисининг юкланган барча ҳужжатлари комиссия аъзолари томонидан урганилади ва овоз берилади .

4-БОБ. НАРХЛАР ҚИСМИ

5.1. Хизмат учун максимал баҳо:

№	Хизмат турининг номланиши	Ўлчов бирлиги, хизмат	Битта хизмат учун белгиланган нарх, сўм	Умумий сумма, сўм
1	Аутсорсер (иссик овкат тайёрлаш хизмати)	37400	20000	748000000
Жами сумма:				748000000

Тўлов шартлари. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мақамасининг 2021 йил 16 мартдаги № 139 сонли Қарорига асосан кўрсатилган хизмат бўйича тўловлар қуйидагича амалга оширилади:

Ижрочи билан шартнома имзолангандан сўнг шартномада белгиланган сумманинг 30% миқдори хар ойнинг 10- санасига ;

сумманинг қолган 70% қисми эса Буюртмачи ва Ижрочи томонидан хизмат бўйича бажарилган ишлар учун тузилган ҳисоб-фактуралар ва бажарилган ишларни топшириш-қабул қилиш далолатномаси имзолангандан сўнг 5 банк куни мобайнида.

Асосий тижорат талаблари: Танлов иштирокчиси ўзининг нарх-наво бўйича таклифларини танлов ҳужжатларида акс эттириши ёки хизмат бўйича нархлар жадвалини (4-шакл) тўлдирishi лозим ва етти кунлик тузилган менюни такдим этишлари лозим

5-бoб. ШАРТНОМА ЛОЙИХАСИ

ШАРТНОМА хизмат кўрсатиш учун

2022 йил «___»_апрель

Тошкент шаҳри

Республика болалар ортопедия маркази номидан Устав асосида фаолият олиб боровчи ва бундан буён шартнома матнида Буюртмачи деб юритилувчи марказ директори _____ бир томондан ва

_____ номидан _____ асосида фаолият олиб боровчи ва бундан буён шартнома матнида Ижрочи деб юритилувчи ташкилот раҳбари _____ иккинчи томондан куйидагилар тўғрисида мазкур шартномани туздилар:

1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1. Ижрочи томонидан мазкур шартноманинг 1.2-бандида кўрсатилган хизматларни ўз вақтида ва сифатли бажариш, Буюртмачи эса ушбу ишларни шартномада белгиланган тартибда қабул қилиш ва бажарилган ишлар учун тўловларни амалга оширишни ўз зиммасига олади.

1.2. Ижрочи томонидан бажариладиган ишлар ҳажми ва нархи куйидагилардан иборат:

№	Хизмат турининг номланиши	Ўлчов бирлиги, и, хизмат		Битта хизмат учун белгиланган нарх, сўм	Умумий сумма, сўм
1	Аутсорсер (иссик овкат тайёрлаш хизмати)				
Жами сумма:					

2. ТЎЛОВЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТАРТИБИ

2.1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мақамасининг 2021 йил 16 мартдаги № 139 сонли Қарорига асосан кўрсатилган хизмат бўйича тўловлар куйидагича амалга оширилади :

Ижрочи билан шартнома имзолангандан сўнг шартномада белгиланган сумманинг 30% миқдори хар ойнинг 10- санасига ;

сумманинг қолган 70% қисми эса Буюртмачи ва Ижрочи томонидан хизмат бўйича бажарилган ишлар учун тузилган счет-фактуралар ва бажарилган ишлар далолатномаси имзолангандан сўнг 5 банк куни мобайнида.

3. БУЮРТМАЧИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

3.1. Ижрочи учун у томонидан кўрсатилаётган хизмат бўйича зарур шароитлар яратиб бериш.

3.2. . товарлар (ишлар, хизматлар) сифатли ишлаб чиқарилиши (бажарилиши, кўрсатилиши)ни талаб қилиш;

3.3. аутсорсернинг фаолиятига аралашмаган ҳолда, шартнома шартларининг бажарилишини назорат қилиш.

3.4. Буюртмачи қонун ҳужжатларига ҳамда шартномага мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

4. ИЖРОЧИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

4.1. Ушбу шартноманинг биринчи бўлимида кўрсатилган ишларни ўз вақтида ва сифатли бажариш.

4.2. ижарага олинган бино ва иншоотлар, жиҳозлардан мақсадли ҳамда оқилона фойдаланиши, сақлаши, носоз ҳолга келганда уларни ўз ҳисобидан таъмирлаши;

4.3. аутсорсинг хизматини кўрсатишда техника, ёнгин, меҳнат муҳофазаси ҳамда санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига қатъий риоя этиши;

4.4. товар (ишлар, хизматлар)нинг сифатли ишлаб чиқарилишини ва буюртмачига етказилишини таъминлаши;

4.5. махфийлик тартибига қатъий риоя қилиши;

5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИКЛАРИ

5.1. Шартнома шартларини ёмон бажаришда ёки бажармасликда айбдор бўлган томон Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 28 сентябрдаги «О договорно-правовой базе деятельности хозяйствующих субъектов» қонунида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

5.2. Томонларнинг юридик ёки ҳақиқий манзиллари, ҳисоб рақамининг номланиши, рақами ёки бошқа реквизитлар ўзгарганда, хизмат бўйича ишларни бажаришга оид бошқа ўзгаришлар бўлган тақдирда томонлар бу ҳақда бир-бирларига 10 кунлик муддатда хабар беришлари зарур.

5.6. Жарималар тўлаш томонларни ушбу шартнома шартларини бажаришдан озод қилмайди.

5.7. Форс-мажор ҳолатлари юз берганда томонлар ушбу шартнома шартларини бажаришдан озод қилинадилар.

6. БАҲСЛИ ҲОЛАТЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

6.1. Шартнома шартларини бажариш мобайнида томонлар ўртасида пайдо бўлган баҳсли ҳолатлар томонларнинг ишончли вакиллари томонидан ўтказиладиган музокаралар йўли билан, агар бу йўл билан ҳал қилишнинг иложи бўлмаса суд тартибида ҳал қилинади.

7. ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

7.1. Ушбу шартнома томонлар томонидан имзоланиб Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги фазначилигида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг кучга киради ва 2021 йил 31 декабргача амал қилади.

7.2. Ушбу шартномага киритилган барча қўшимча ва ўзгартиришлар, агар улар ёзма равишда киритилган, томонлар томонидан имзоланган ва томонларнинг муҳри билан тасдиқланган бўлса, ҳақиқийдир.

7.3. Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган иккита нусхада тузилган.

8. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

«БУЮРТМАЧИ»

«ИЖРОЧИ»

6-боб. ШАКЛЛАР НАМУНАЛАРИ

1-шакл.

Ариза/кафолат хати Танлов иштирокчисининг расмий бланкида ёзилади

Харид комиссияси раисига

Танловда иштирок этиш учун Ариза/кафолат хати

_____ фирмаси/компанияси/вакиллиги ушбу орқали № _____ лот Марказида даволанаётган бемор болаларга иссик овкат тайёрлаб бериш хизматини бўйича бўйича эълон қилинган хизмат кўрсатиш танловида иштирок этиш хошиини билдиради ва қуйидагиларни маълум қилади:

қайта ташкиллаштириш, ёпилиш ёки банкрот ҳолатида эмас;

эълон қилинган хизматни кўрсатиш учун зарур техник, молиявий, моддий, ходимлар ва бошқа ресурсларга эга;

солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлиги йўқ;

аввал имзоланган шартномаларда келтирилган мажбуриятларни бажариш бўйича салбий кўрсаткичлари йўқ;

Буюртмачи билан суд жараёнида низо ҳолатида эмас.

Ижрочиларни саралаб олиш бўйича танлов ҳужжатларини ўрганиб чиққан ҳолда биз, қуйида имзо қўювчилар, шуни маълум қиламизки, Марказида даволанаётган бемор болаларга иссик овкат тайёрлаб бериш хизматини бўйича хизмат кўрсатиш танловида белгиланган танлов ҳужжатларига мувофиқ иштирок этиш ниятидамиз.

Шу муносабат билан ўз таклифларимиз жамланган пакет ва танловда иштирок этиш учун талаб қилинган қуйидаги ҳужжатларни юбормоқдамиз:

тегишли рўйхатга олувчи органлар томонидан берилган Иштирокчини юридик шахс сифатида рўйхатга олиш гувоҳномаси нусхаси;

конкурс иштирокчиси тўғрисида, у томонидан кўрсатиладиган хизматларни акс эттирган ҳолда, умумий маълумотлар (2-шакл);

кўрсатиладиган хизмат учун нархлар бўйича таклифлар (3-шакл);

танлов иштирокчисининг Устав/Низомидан нусха.

Танловда биз ғолиб чиққан тақдиримизда, танлов ғолиби билан тузиладиган шартнома шартларини бажаришни ўз зиммамизга оламиз.

_____ (лавозими)

_____ (имзо)

_____ (фамилияси, исми, отасининг исми)

М.Ў.

2022 йил « _____ » _____

Танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумот

Т/р	Маълумотларнинг номланиши	Маълумотлар мазмуни
1	Юридик шахснинг ташкилий-ҳуқуқий шаклини кўрсатган ҳолда тўлиқ номи	
2	Рўйхатдан ўтганлик тўғрисида маълумотлар (рўйхатдан ўтган санаси, рўйхат рақами, рўйхатга олган ташкилот номи)	
3	Фаолиятнинг асосий йўналишлари	
4	Юридик манзил	
5	Ҳақиқий манзил	
6	Телефон, факс, e-mail	
7	Иштирокчининг Буюртмачи билан алоқаси учун тайинланган шахс, унинг фамилияси, исми, отасининг исми ва у билан алоқа боғлаш учун маълумотлар	
8	Раҳбарнинг лавозими, фамилияси, исми, отасининг исми	
9	СТИР	
10	Банк реквизитлари	
11	компания/фирма қайта ташкиллаштириш, ёпилиш ёки банкрот ҳолатида эмасми?	
12	компания/фирма Буюртмачи/сотиб олувчи/ишчи орган билан суд ёки хўжалик низолари ҳолатида эмасми?	

_____ (ишончли вакилнинг лавозими)
 М.Ў.

_____ (имзо)

_____ (фамилияси, исми)

2022 йил « _____ » _____

3-шакл.

7 кунлик Меню ва калькуляция

_____ (ишончли вакилнинг лавозими)

_____ (имзо)

_____ (фамилияси, исми)

М.Ў.

2022 йил « _____ » _____

4-шакл.

_____ -сонли лот орқали эълон қилинган танлов бўйича
хизмат кўрсатиш учун таклиф қилинаётган
НАРХЛАР ЖАДВАЛИ

Танлов иштирокчисининг номи _____

№	Хизмат турининг номланиши	Ўлчов бирлиги, хизмат	Битта хизмат учун белгиланган нарх, сўм	Умумий сумма, сўм
1	Аутсорсер (иссик овкат тайёрлаш хизмати)			
Жами сумма:				

Таклифнинг умумий нархи _____

(рақамларда ва ёзув билан)

_____ (ишончли вакилнинг лавозими)

_____ (имзо)

_____ (фамилияси, исми)

М.Ў.

2022 йил « _____ » _____

Указание о предоставлении

(подпись)

(подпись)

(подпись)

М.П.

2012 г.

Указание о предоставлении
информации о состоянии
наличия задолженности

Указание о предоставлении информации

№	Характер задолженности	Указан ли срок возврата	Сумма задолженности

Информация о задолженности

(подпись)

(подпись)

(подпись)

(подпись)

М.П.

2012 г.